O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2007 йил 14 сентябрь, № 183 (4336) Жума

# «БИЗ ШУ МАКТАБДА ЎҚИЙМИЗ!»

**Ифтихор**

***Жаннатмонанд юртимизнинг қай бир гўшасига йўлимиз тушмасин, бунёдкорлик, яратувчилик, эзгу ишларга гувоҳ бўлаяпмиз. Эндиликда кошонаю қасрмонанд иншоот дейилганда, ҳеч иккиланмай, энг чекка қишлоқдаги мактабу коллежни ҳам кўз олдимизга келтиришимиз мумкин. Бу истиқлол берган беқиёс имкониятлар самараси, ёш авлоднинг пухта билим олиши учун кўрсатилаётган ғамхўрлик натижаси, албатта.***



Хусусан, Андижон вилоятида олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишлари натижасида бугун таълим муассасалари бутунлай янгича қиёфа касб этмоқда. Жорий йилда вилоятдаги 26 билим даргоҳи капитал реконструкция қилинган бўлса, 90 тасида капитал таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилди. Иккита мактаб ўқувчилари эса бу ўқув йилини янги бинода бошлашди. Замонавий анжомлар билан жиҳозланган мазкур таълим даргоҳларида ўғил-қизларнинг чуқур билим олиши учун барча шароит муҳайё.

Шундай кўркам мактаблардан бири Избоскан туманининг "Қизил кўприк" маҳалласида барпо қилинди. ЎзА мухбири Ш.Олимов олган суратдаги кўзлари кулиб турган зукко, илмга чанқоқ ўқувчилар эндиликда ана шу замонавий билим масканида таълим-тарбия олишмоқда. Ўқув ва амалиёт хоналари, ёзги-қишки спорт майдончалари, компьютер, лаборатория жиҳозлари ва бошқа қулайликлар ёшларнинг ҳар жиҳатдан соғлом тафаккур эгаси бўлиши, чуқур билим эгаллаши учун хизмат қилади. Қувонарлиси, келажагимиз эгалари учун яратилган бундай беқиёс имкониятлар эртага ўзининг ижобий самарасини бермай қолмайди.

**СУРАТДА:** Избоскан туманидаги янги барпо қилинган 7-мактаб ва унинг бир гуруҳ ўқувчилари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

## Тошкент шаҳрида Ўзбекистон халқ шоираси Зулфиянинг ҳайкалини ўрнатиш тўғрисида

Ўзбекистон халқ шоираси Зулфия (Зулфия Исроилова)нинг миллий адабиётимиз ва маданиятимиз ривожига қўшган улкан ҳиссасини, унинг бетакрор ижодий мероси ва ибратли ижтимоий фаолиятининг ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашдаги катта ўрни ва аҳамиятини инобатга олиб:

1. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика Маънавият тарғибот марказининг Ватанимиз пойтахти — Тошкент шаҳрида Ўзбекистон халқ шоираси Зулфия хотирасига ҳайкал ўрнатиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Бадиий академияси бир ой муддатда тегишли мутасадди ташкилотлар билан биргаликда Зулфия ҳайкалини яратиш бўйича ижодий танлов эълон қилсин ва уни белгиланган тартибда ўтказсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳайкални яратиш ва ўрнатиш билан боғлиқ харажатлар, Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан тақдим этиладиган ҳисоб-китобларга мувофиқ, Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси ҳисобидан қопланишини таъминласин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Қосимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2007 йил 13 сентябрь

***Халқимиз учун Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритган кун асрлар давомида камдан-кам рўй берувчи энг ноёб тарихий воқеликдир. Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент девонининг юртимиз мустақиллигининг 16 йиллигига бағишлаб ўтказилган қўшма мажлисида қилган маърузасида асрларга татигулик Истиқлол даврининг ҳаққоний баҳоси берилди.***

# АСР БИЛАН БЎЙЛАШГАН ЙИЛЛАР

**Муносабат**

Бутун халқимиз, барча-барчамиз кўтаринки руҳда, ҳис-ҳаяжон билан телевидение орқали кўрдик, эшитдик, газеталардан ўқидик ва Президентимиз билан ҳамнафас мустақиллигимизнинг ўтган 16 йиллик тарихини қалб қўримиздан бирма-бир ўтказдик.

Тарих зарварақларида миллатнинг ғурури, шоду хуррамлиги, шавкатли даврларию мустақиллигини қўлдан берган инқирозли, аянчли замонларигача акс этган.

Шу нуқтаи назардан, ўз мустақиллигини қўлга киритган 1991 йил 1 сентябрь кунини миллатимизнинг энг доврuқли, шон-шавкатли даврлари билан қиёслаш мумкин.

Биринчиси, бу милоддан аввалги II аср — милодий III асрларда тарихга «афсонавий империя» номи билан кирган Кушонлар салтанати довруғидир. Эрамиз бошларида Кушон ҳукмдорлари — ябғулар Кадфиз I, Кадфиз II ва Канишка даврларида Орол бўйларидан тортиб Ганг дарёси ҳавзаларигача бўлган ҳудудларни бирлаштириб, катта империяга асос солишди. Иқтисодиёт, савдо, Буюк Ипак йўли, маданият, айниқса, санъат гуллаб-яшнади. Кушонлар салтанатининг пойтахти, академик Г.А.Пугаченкованинг фикрича, Далварзин шаҳри бўлиб, у бугунги Ўзбекистоннинг жанубида жойлашган. Мазкур шаҳар антик даврда Ўрта Шарқнинг пойтахтига айланган эди.

Иккинчи бор дунёга довруқ солган давримиз бу — «Мусулмон дунёсининг биринчи уйғониш» даври — VIII-XI асрлардир. Бу даврда дунё илму фани, маданиятининг энг йирик марказларидан бўлмиш Самарқанд, Бухоро, Хоразм ва Фарғоналар намоён бўлди. Имом Мотуридий, Имом Бухорий, Абу Райҳон Беруний, Муҳаммад Хоразмий, Ибн Сино, ал-Форобий ва Бурҳониддин Марғинонийлар жаҳон илму фанининг юлдузлари бўлиб камолга етдилар.

Учинчи бор дунёга ўзлигимизни намоён этган давримиз бу — Амир Темур ва Мирзо Улуғбек даҳолиги қудрати давридир. Бу даврда давлатчилигимиз, шаҳарсозлигимиз, маданиятимиз ва маънавиятимиз дунёга андоза бўлди.

Сўзсиз, тарихимиздаги мана шу шонли, шавкатли, миллатимизга ғурур бағишлайдиган даврларимизнинг қонуний меросхўри ва тадрижий давомчиси бу — Ўзбекистонимизнинг мустақиллик давридир.

16 йил давомида асрларга татигулик тарихий йўлни босиб ўтдик. Инқирозга юз тутган давлатчилигимиз тикланди, қудратли бўлди, иқтисодиётимиз жадал суръатлар билан ривожланмоқда, ҳуқуқий жамият қурдик, тинчлик-осойишталик ҳукм сурмоқда. Қарийб ҳалокат ёқасига келиб қолган анъаналаримиз, тилимиз, динимиз сақлаб қолинди. Дунё яна қайтадан Ўзбекистонни кашф қилди.

(Давоми 2-бетда).

# ҚАДРИ АЗИЗ НЕЪМАТ

***Ўтган асрнинг етмишинчи йилларида қишлоғимиз оқсоқолларидан бири — Бердимурод бобо 50 йил бурун йўқотган синглисини топди. Онахон Туркманистоннинг Тошҳовуз вилоятида яшар экан. Мен ўша пайтда мактабда ўқир эдим. Тўғриси, бу гапни эшитиб ҳайрон бўлдим.***

Ахир, бизнинг қишлоғимиз билан Тошҳовуз ўртасидаги масофа салкам минг километрни ташкил қилади. Икки ўртада борди-келди бўлмаса. Бундан ташқари, онахон Тошҳовузга кетган пайтда бугунгидай техника ҳам йўқ эди. Шундай экан, қандай қилиб бобонинг синглиси Тошҳовузга бориб қолган? Ўйлай-ўйлай шу саволни отамга бердим.

**Нон ҳақида сўз**

Отамнинг тушунтиришича, Бердимурод боболар оиласи жуда камбағал яшар экан. Очликдан аввал отаси, сўнг онаси вафот этибди. Бердимурод бобо икки синглиси билан қолибди. Шундай кунларнинг бирида Тошҳовуздан савдогарлар келибди. Бердимурод бобо ўлиб қолмасин деб 17 ва 19 ёшли сингилларини уларга бериб юборибди. Сингилларидан бири йўлда вафот этибди. Иккинчиси эса фарзандлари катта бўлгач, газета орқали акасини топибди.

Ойча деган аммамиз бўларди. Унинг катта ўғли Акром фронтдан қайтмаган. У доимо бир нарсани афсус билан эсларди. Акром ўғли фронтга кетганда битта патирни насиба сифатида тишлатиб қолдирган экан. Уруш пайтида оиласи жуда қийналиб қолибди. Бир куни очликка чидолмаган кичик ўғли ва қизи акалари тишлаб кетган нонни яширинча еб қўйибди. Шундан сўнг орадан бир неча ой ўтгач ўғлидан қора хат келибди.

Ойча амма Акром ўғлини ҳар эслаганда, «Агар укалари унинг насибасини еб қўймаганда, ўғлим урушдан соғ-омон қайтган бўлармиди», дея афсусланиб қўярди.

Албатта, бу икки воқеа тарихимизнинг оғир кунларидан кичик лавҳалар, холос. Лекин уларни бирлаштириб турадиган муштарак жиҳат бор. У ҳам бўлса очлик, очарчилик, бир бурда нон қадри. Уйида ўша бир бурда нон бўлганда, Бердимурод бобо жонидан-да азиз сингилларини савдогарларга бериб юбормаган, эллик йил улар ҳажрида ўртанмаган бўларди. Уйида бир бурда нон бўлганда, болалар акаси тишлаб кетган насибани еб қўймаган, онаизорнинг кўнглида эса қандайдир ранжу аламлар, армонлар қолмаган бўларди.

Нон шундай азиз неъмат. Биз болалигимизда ноннинг ушоғини ерга туширсак, катталар «Энди кўзинг кўр бўлиб қолади, тезда уни топиб, одам босмайдиган жойга қўй», дейишарди. Ноннинг азизлиги ҳақида ҳар хил ривоятларни сўзлаб беришарди. Биз бу ривоятларни жон қулоғимиз билан тинглардик. Шунинг учун бўлса керак, болалигимиздан нонни исроф қилиш увол эканлиги ҳақида тушунчамиз шаклланган.

Лекин ҳозирги айрим болалар, ҳатто, катталар ҳам ундай эмас. Улар кўпам ноннинг қадрига етавермайди. Битта кулча нонни пишириш учун қанча одамнинг меҳнати сингганини тушунавермайди улар. Нега? Нима учун?

(Давоми 3-бетда).

INTERNATIONAL UZBEK COTTON FAIR TASHKENT 2007

***Кейинги йилларда мамлакатимизда бошқа соҳалар қатори пахта саноатида ҳам таркибий ўзгаришлар амалга оширилди. Хусусан, пахта толаси таннархини арзонлаштириш, унинг техник ва сифат кўрсаткичларини яхшилаш, пахта толаси етиштириш ва сотишда бозор иқтисодиёти тамойиллари, жаҳон амалиётида қўлланилаётган илғор ҳисоб-китоб шакли ва усулларини кенг жорий қилиш, ички ҳамда ташқи бозорда рақобат муҳитини яратиш борасида муайян ишлар қилинди.***

# ЖАҲОН ПАХТА БОЗОРИ — ЯНА ТОШКЕНТДА

Айниқса, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 3 июндаги "Ишлаб чиқарилган ва сотиладиган пахта толаси учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим аҳамият касб этди. Чунки ушбу ҳужжат ижросини таъминлаш баробарида хорижий харидорларга маҳсулот етказиб бериш тизими яхшиланди, сертификатлаш, сақлаш, суғурта, божхона расмийлаштируви каби хизматлар тубдан такомиллаштирилди.

Таъкидлаш жоизки, ана шу қарор асосида ташкил этилган "Ўзпроммашимпэкс" давлат акциядорлик ташқи савдо компанияси қошидаги "Тошкент-тола" терминали хизматидан ҳозирда дунёнинг 90 дан зиёд компанияси — пахта толаси бўйича хорижий истеъмолчилар ишончли фойдаланишмоқда. Асосий фаолият турига пахта толасини қабул қилиш, сақлаш, ташқи ва ички истеъмолчиларга жўнатиш, фумигация ҳамда фитосанитар назоратини олиб бориш, сертификат экспертизаси, декларация, транспорт-экспедиция, шунингдек, божхона расмийлаштируви хизмати кирувчи ушбу жамоа қисқа вақт ичида хорижий ва маҳаллий саноатчиларнинг тенг манфаатли ҳамкорига айланди. Жорий йилнинг бошидан эътиборан "Эркин омбор" божхона тартибида пахта толасини вақтинча тушириш ва сақлаш бўйича қўшимча хизмат кўрсатилаётгани эса иш кўлами ва сифатига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Мазкур терминалнинг бир вақтнинг ўзида 45 минг тонна пахта толасини сақлаш имкониятига эга бўлган еттита омбори ва очиқ майдончаси мавжуд. Шунингдек, у темир йўл вагонларидан ва автопоездлардан юкни тушириш учун пандуслар, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш учун сигнализация ва спринклер тизими билан жиҳозланган. Бундан ташқари, терминал томонидан пахта толасини экспорт қилиш жараёнларида иштирок этувчи "Сифат" Ўзбекистон маркази, Карантин хизмати, "Ўзбекэкспертиза" ОАЖ, "Ўзбекистон темир йўллари" ДАК каби ташкилот ва компания вакилларига ҳам етарли шарт-шароит яратиб берилган.

— 2005 йилнинг октябрь ойида Президентимиз раҳнамолиги ва ташаббуси билан ташкил этилган Ўзбекистон халқаро пахта ярмаркаси, том маънода, дунё пахта саноатчиларини ўзига ром этмоқда, — дейди "Тошкент тола" терминали раҳбари Мурод Абдураҳимов. — Зеро, мамлакатимиз пахта етиштириш ва унинг толасини экспорт қилиш соҳасида халқаро хўжалик муносабатларининг энг фаол иштирокчиларидан биридир. Терминалимиз жамоаси 17-19 сентябрь кунлари пойтахтимизда бўлиб ўтадиган учинчи Ўзбекистон Халқаро пахта ярмаркасига пухта тайёргарлик кўрди. Эндиликда молнинг эгаси тола ортилган битта вагоннинг барча ҳужжатларини расмийлаштириш ва фумигация қилиш учун бир кун вақт сарфлайди. Юкни қабул қилувчи ташқи савдо компаниясига тегишли маълумотлар эртасига жўнатилади, юк ҳужжатларининг нусхаси жамланган пакети эса 2-3 кун оралиғида уларга етказилади. Бу муддат, табиийки, хорижий йирик тўқимачилик компаниялари вакиллари ва трейдерларни тўлиқ қаноатлантиради, деб ўйлайман.

**Саидолим ҲАЙДАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**БИР РАҚАМ ШАРҲИ**

**Мустақиллик йилларида мамлакатимизда автомобиллар сони кескин ошиб, ҳар юз оиланинг енгил машина билан таъминланиш даражаси**

**6 баробар ўсди.**

Асака ва Самарқанд шаҳарларида янги автомобиль заводлари барпо этилгани, уларда ишлаб чиқарилаётган автотранспорт воситалари учун жойларда бутловчи қисмлар тайёрлаш йўлга қўйилгани, корхоналар, ташкилотлар ва аҳолининг ёнилғи-мойлаш маҳсулотларига бўлган талаб-эҳтиёжлари таъминланганлиги туфайли ана шу ютуққа эришилди.



**Тадбир**

# КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

***Бухоро шаҳрида Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳамда Фидокорлар миллий демократик партияси ҳамкорлигида "Ўзбекистон: демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти қурилишида эришилган асосий ютуқлар" мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.***

Анжуманда Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент девонининг мамлакатимиз мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузасининг мазмун-моҳияти, аҳамияти хусусида фикр юритилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар давлатимиз раҳбари маърузасида мамлакатимиз босиб ўтган мустақил тараққиёт йўлига, истиқлол йилларида эришилган ютуқларга холисона баҳо берилгани, бундан келиб чиқадиган хулосаларни кенг жамоатчиликка етказиш муҳим аҳамият касб этишига эътибор қаратдилар.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан мустақилликнинг дастлабки йилларида янги давлат ва жамият қуриш борасида илгари сурилган беш тамойил – иқтисодиётнинг мафкурадан холи ва сиёсатдан устунлиги, ўтиш даврида давлатнинг бош ислоҳотчи бўлиши, қонун устуворлиги, кучли ижтимоий сиёсат, ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш йўли ўзини ҳаётда тўла оқлади. Бугун жаҳонда Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўлининг самаралари эътироф этилаётгани бежиз эмас.

Анжуманда юртимизда ҳуқуқий давлат барпо этиш жараёнида

(Давоми 2-бетда).

## МАМЛАКАТ бўйлаб

### Ташаббусга — кенг йўл

***Сайидо Насафий номли Қашқадарё вилояти ахборот-ресурс марказида «Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди» нодавлат нотижорат ташкилотининг тақдимот маросими бўлди.***

■ Фонд раҳбари Баҳодир Умархонов, таъсисчилар вакилларидан «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси Васийлик кенгаши раиси Гулнора Каримова, «Экосан» халқаро ташкилоти президенти Юсуф Шодиметов ва бошқалар фонднинг мақсади, вазифалари, фаолиятининг асосий йўналишлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлиги ҳақида гапирдилар. Вилоят ҳудудида фонднинг бешта бош йўналиши — соғлиқни сақлаш, таълим, ижтимоий кўмак, ижтимоий инфратузилма ва экология бўйича амалга оширилиши мумкин бўлган лойиҳалар тақдимот қатнашчиларида, айниқса, катта қизиқиш уйғотди.

Вилоятдаги йирик саноат корхоналари — Муборак, Шўртан нефть-газ конлари унитар корхоналари, Муборак газни қайта ишлаш заводи, «Қарши ёғ-экстракция» қўшма корхонасининг ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлашдек савоб ишга ҳомийлик қилиш имкониятларига юқори баҳо берилди.

**Б. НОРҚОБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Ёшлар марказига марҳамат

***Мустақиллик байрами кунларида Бухоро Давлат университети янги маъмурий бинога эга бўлди.***

■ Бухоро шаҳрида ёшлар маркази фойдаланишга топширилди.

Кўркам бинода ахборот-технологиялари, халқаро туризмни ривожлантириш, ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш марказлари, телестудия, кўргазмали чиқишлар зали мавжуд. Марказнинг очилиш маросимида профессионал бокснинг WBA йўналиши бўйича жаҳон чемпиони Руслан Чагаевнинг иштирок этганлиги ёшлар қувончига қувонч қўшди.

Шу куни Бухоро шаҳридаги амфитеатрда «Келажак овози» танловининг вилоят босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими ҳам бўлиб ўтди.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Қишлоқ аҳли қувончи

■ **Мустақиллик байрами кунлари Гурлан туманидаги Деҳқонобод қишлоқ аҳлининг қувончига қувонч қўшилди. Қишлоқда янги қишлоқ врачлик пункти иш бошлади. 50 ўринга мўлжалланган, замонавий тиббиётнинг барча талабларига жавоб берадиган янги ҚВП қишлоқ аҳлини муолажа излаб туман марказига қатнаш ташвишидан фориғ қилди. Янги ҚВПни замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозлаш ишлари бошлаб юборилди.**

**О. РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Мижозлар сафи кенгаяди

***“Маҳалла” хайрия жамғармасининг Сурхондарё вилояти бўлими қошида “Еврометаллмебель” шуъба корхонаси иш бошлади.***

■ Замонавий ускуналар билан таъминланган, ўнга яқин киши меҳнат қилаётган корхонада стол, стул, китоб жавони каби идора жиҳозлари тайёрланмоқда.

— Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси биринчилар қаторида маҳсулотларимизга буюртма берди, — дейди корхона раҳбари Холмўмин Эргашев. — Йил охиригача ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш эвазига йигирмага яқин янги иш жойи яратишни мўлжаллаяпмиз.

**Х. МАМАТРАЙИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# АСР БИЛАН БЎЙЛАШГАН ЙИЛЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Юртбошимиз Ислом Каримов мустақиллигимизнинг биринчи кунлариданоқ тарихчиларимиз олдига холисона тамойилларга амал қилиб, ўзимиздаги ва чет эллардаги манбалар асосида «...ҳаққоний тарихимизни» яратишни вазифа қилиб қўйган эдилар. Президентимиз ушбу вазифани изчиллик билан, дастлаб 1998 йили бир гуруҳ тарихчилар билан учрашганларида, айниқса, 1998 йили Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллик юбилейига тайёргарлик кетаётганда, сўнгра Қува шаҳрида олиб борилаётган археологик қазишмалар билан танишган чоғларида ўртага қўйдилар.

Юртбошимиз археологларга йирик шаҳарларнинг қадим маданиятини ўрганаётганда чуқурроқ қазишни, қуйи маданий қатламларни ўрганишга катта эътибор беришни алоҳида таъкидладилар. Чунки шундагина бизнинг шаҳарсозлик маданиятимиз, цивилизациямиз тарихи нечоғли қадим эканлигини исботлайдиган манбаларга эга бўлишимизни уқтирган эдилар. Дарҳақиқат, шундай ҳам бўлди.

Натижада, бутун жаҳон эътироф қилган ҳолда, ЮНЕСКО раҳнамолигида қатор шаҳарларимиз — Бухоро, Хива, Термизнинг 2750 йиллик ҳамда ўнлаб даҳоларимизнинг юбилейларини нишонладик. «Шарқ тароналари» VI бутун жаҳон мусиқа фестивали кунлари (2007 йил 25-30 август) бутун дунё мусиқачиларининг нигоҳи Самарқандга, Регистонга қаратилди.

Буларнинг барчаси миллатимизга мисли кўрилмаган шоду хуррамлик ва ғурур бағишлади.

Жонажон Ўзбекистонимизда 16 йил ичида амалга оширилган бунёдкорликни бор бўйи-басти билан тасаввур қилиш учун биргина қадимги Самарқандда амалга оширилган ишларга назар солсак кифоя қилади, деб ўйлайман. Чунки бу улуғ шаҳарда бажарилган ободончилик ишлари мамлакатимизда амалга оширилган бунёдкорликнинг бир қисмидир.

Бир пайтлар ўзининг тарихий шон-шуҳрати билан оламга довруқ таратган қадимий Самарқанд то мустақилликкача ҳақли қадр-қимматини топмаган эди, десак муболаға бўлмайди.

Шуни афсуслар билан қайд қилмоқ лозимки, XX асрнинг 90-йилларигача Самарқанд ўзининг тарихий қиёфасини йўқотган эди. Шаҳарнинг тарихий қисмида пала-партишлик, ношудлик билан қурилган ресторан, кинотеатр, ҳовли-жойлар ва савдо-сотиқ бинолари оламга машҳур меъморчилик ёдгорликларининг кўринишига, манзарасига чуқур соя солган эди.

Тарихий обидалар бутунлай вайрон қилиниб, уларнинг устига ҳовлилар қурилганлигига ҳам гувоҳ бўлгандик. Айниқса, бир неча ўнлаб улуғларимиз дафн этилган Шоҳи Зинда меъморчилик мажмуасининг аҳволи жуда оғирлашган эди. Президентимиз бу аянчли аҳволни ўз кўзи билан кўриб, унинг олдини олиш борасида бир неча қарорлар чиқарди, маслаҳатлар берди.

2004 йили Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг Шоҳи Зинда мажмуасини таъмирлаш, ободонлаштириш тўғрисидаги қарорини имзолагандан сўнг, бу ерда оламшумул бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Меъморчилик обидалари атрофидаги ортиқча тупроқлар олиб ташланди, шўралаган деворлар қуритилди, қулаш ҳолатига келиб қолган мақбараларнинг пойдеворлари мустаҳкамланди.

Худди шундай ободончилик ва таъмирлаш тадбирлари Регистон майдонида, Жомеъ масжиди, Ҳазрати Хизр масжиди, Бибихоним мақбараси, Руҳобод, Афросиёб, Нодир Девор беги атрофларида амалга оширилди.

Мустақиллик, айниқса, XV асрда барпо қилинган Оқсарой ёдгорлигида ўзгача аҳамият касб этди, десак муболаға бўлмайди. Дастлаб Амир Темур ва Муҳаммад Султонлар дафн этилган, деб тахмин қилинадиган ушбу мақбара ниҳоятда харобага айланган эди. Ушбу табаррук обида товуқхона ва ахлатхонага айлантирилган эди. 2007 йили ушбу обида тўлиқ таъмирланиб, асл тарихий қиёфасига қайтарилди.

Ўтган 16 йилда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари қаторида улуғларимизнинг хотираларини тиклаш борасида қилинган ишлар алоҳида аҳамиятга эгадир.

Самарқанд яқинидаги Хартанг қишлоғида дафн этилган Имом Бухорий қабрлари атрофида қилинган ободончилик ишлари, қурилган мажмуанинг савияси ҳам юқоридагилардан кам эмас. Худди шунингдек, Имом Мотуридий, Хожа Аҳрори Вали ва Маҳмуди Аъзам зиёратгоҳлари ҳам обод қилинди.

Шу тариқа сўнгги тўрт-беш асрлар давомида Самарқанднинг эски шаҳар қисмида биринчи бор ана шундай улуғвор ободончилик ишлари амалга оширилди ва шу тариқа, аждодларимиз томонидан қолдирилган ёдгорликлар бугунги ва келажак авлодларимизга эсон-омон етказилди. Улар ЮНЕСКОнинг бутун жаҳон аҳамиятига молик ёдгорликлар рўйхатига киритилди. Бундай яратувчилик ишлари республикамизнинг барча тарихий шаҳарларида — Тошкент, Андижон, Қўқон, Бухоро, Хива, Термиз, Қарши, Шаҳрисабз, Ғиждувон, Кармана ва бошқа шаҳарларда ҳам амалга оширилди.

Демакким, жаҳон маданияти кўринишларида бугунги Ўзбекистоннинг чеҳраси порлаб турибди.

Кези келганда яна шуни ҳам қайд қилиш лозимки, тарихда шахснинг роли бениҳоядир. Халқ яратувчидир, лекин тарихнинг ижодкори шахсдир. Чунки у барча ўзгаришлар, глобал жараёнлар бошида туради, раҳнамолик қилади.

Тарихнинг адолатли қонунига кўра миллатимизнинг мустақилликка эришиши, ўтган 16 йиллик тарихимиздаги барча ўзгаришлар, тинчосуда ва фаровон ҳаётимиз, барча-барчаси Юртбошимиз номи билан боғлиқдир.

Замон талаби шундай: бундан кейин ҳам миллатимиз, барча-барчамиз бир тану бир жон бўлиб, ёруғ юз, ғурур ва ишонч билан буюк келажак сари интилаверамиз.

**Темир ШИРИНОВ,**
**профессор.**

## КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

қонун устуворлиги ва қонун олдида барчанинг баробарлиги таъминланаётгани, мулкчиликнинг хилма-хил шакллари ривожланиб бораётгани, бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий ҳимоя табақалаштирилган ва аниқ мақсадга қаратилган ҳолда олиб борилаётгани, нодавлат ташкилотлар, жумладан, ўзини ўзи бошқариш органларининг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги мавқеи кўтарилиб, кучли фуқаролик жамияти шаклланаётгани аниқ мисоллар асосида таҳлил қилинди.

— Асли муҳандисман, — дейди бухоролик тадбиркор Нишон Аитов. — Истиқлол йилларида ишбилармонлик учун қулай муҳит яратилиши кўплар қатори, менга ҳам хусусий бизнес билан шуғулланиш имконини берди. Бугунги кунда тикувчилик бўйича кичик корхонам бор. Эллик кишини иш билан таъминлаганман. Ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш, янги иш жойлари яратиш, муҳими, тадбиркор сифатида эркин фаолият кўрсатишим учун барча шарт-шароит мавжуд.

Тадбир иштирокчилари жамият ҳаётида эришилган ана шундай ютуқларни мустаҳкамлаш, ижтимоий-иқтисодий соҳалар ривожига тўсиқ бўлаётган айрим муаммоларни бартараф этиш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Ҳар бир фуқаро ўзини эл-юрт тақдирига бевосита дахлдор, деб ҳис этиши муҳим аҳамиятга эга экани, бу борада кенг тушунтириш ва тарғибот ишларини олиб бориш мақсадга мувофиқлиги таъкидланди.

**Э. ЁДГОРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## КОРХОНАДА ЯНГИ ҚУРИЛМА



*“Шўртаннефтгаз” унитар шуъба корхонаси нафақат мамлакатимиз, балки Марказий Осиёдаги энг йирик саноат корхоналаридан бири ҳисобланади. Яқинда корхонада газдан пропан-бутан олиш қурилмасининг иккинчи навбати ишга туширилди. Асосий технологик ускуналари Чирчиқдаги “Ўзбеккиммаш” очиқ акциядорлик жамиятида тайёрланган ушбу қурилма бир кеча-кундузда 120 тонна суюлтирилган пропан-бутан газини ишлаб чиқаради.*

*— Янги қурилма йилига 50 минг тонна суюлтирилган газ ишлаб чиқариш қувватига эга, — дейди корхона бош муҳандиси Раҳматилла Ражабов. — Устувор режага кўра, келаси йилда яна иккита шундай қурилма ишга туширилади.*

**СУРАТДА:** корхона бош технологи Фахриддин Худойқулов қурилма навбатчи муҳандиси Шерзод Раҳматов билан навбатдаги режалар хусусида суҳбатлашмоқда.

**Шомурод ШАРОПОВ (ЎзА) олган сурат.**

***Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасида Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузасида белгиланган вазифаларнинг ижросига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.***

## СОЛИҚ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

Қўмита раиси Ботир Парпиев давлатимиз раҳбарининг мазкур маърузаси нафақат юртдошларимиз, балки жаҳон жамоатчилиги томонидан ҳам катта қизиқиш билан кутиб олинганини алоҳида таъкидлади.

Юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ва туб ислоҳотлар самараси сифатида мамлакатимиз иқтисодиёти барқарор ривожланмоқда. Кейинги тўрт йилнинг ўзида йиллик ўртача ўсиш суръати 7 фоиздан ошгани бунинг исботидир.

Солиқ юкини камайтириш борасида ҳам изчил сиёсат олиб борилмоқда. 2000-2007 йиллар давомида даромад солиғи 38 фоиздан 10 фоизга, ягона ижтимоий тўлов 40 фоиздан 24 фоизга, кичик бизнес субъектлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар учун ягона солиқ миқдори эса 10 фоизга камайтирилди. Шу билан бирга, жисмоний шахслар даромадининг солиқ ставкаси сезиларли даражада қисқартирилди. Шу тариқа кейинги 7 йилнинг ўзида умумий солиқ юки 40 фоиздан 27 фоизга камайтирилди.

Кейинги йилларда солиқ тўловчилар сони 2,5 баробар, давлат хазинасига келиб тушаётган тушум эса беш баравар ўсди. Бу жараёнда тадбиркорликнинг ривожи ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Савдо соҳасида 2004 йилда 82,3 миллиард сўм тушум қайд этилган бўлса, жорий йил бошидан август ойига қадар бўлган кўрсаткич 457 миллиард сўмни ташкил этди.

Бюджетга тушумларнинг ўз вақтида тушишида солиқ идоралари ходимлари томонидан амалга оширилаётган изчил чора-тадбирлар, тўлов интизоми мустаҳкамланаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу, ўз навбатида, халқимиз фаровонлигининг янада юксалишига хизмат қилаётир.

Йиғилишда амалга оширилаётган ишлар билан бир қаторда йўл қўйилаётган айрим камчиликларни бартараф этиш, бажарилиши лозим бўлган галдаги вазифалар хусусида фикрлашилди.

**Норгул АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири.**

**Мавзу**

***Бугунги кунда глобаллашув жараёнига ва унинг инсоният тараққиётидаги ўрни масаласига қизиқиш ортиб бормоқда. Чунки ҳеч бир восита мамлакат ва халқларни глобаллашув жараёни сингари бир-бири билан узвий боғлаб қўймаган. Бу жараён шу қадар кучаймоқдаки, дунёнинг бирон-бир ҳудуди унинг таъсиридан холи қолаётгани йўқ.***

# ТАРБИЯ ОИЛАДАН БОШЛАНАДИ

Ўтган асрнинг охирларида пайдо бўлган “глобаллашув” атамаси дастлаб давлатларнинг ўзаро молиявий ва иқтисодий ҳаётининг умумлашиб бораётганлигини билдирар эди. Бугунги кунга келиб, у кенг қамровли тушунчага айланди. Эндиликда бу ибора давлат ва халқлар ҳаётининг барча соҳаларида ялпи умумлашув жараёнини англатмоқда.

Глобаллашув жараёнининг ҳам ижобий, ҳам салбий томонлари мавжуд. Ўзбекистон ҳам ушбу жараёндан четда қолаётгани йўқ. Юртимизга фан-техника, технология ютуқларининг кириб келиши глобаллашув жараёни туфайлидир. Бу ҳолат ўз ўрнида юртимизнинг иқтисодий жиҳатдан ривожланишига, халқимиз турмуш тарзининг юксалишига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Глобаллашувнинг салбий томони шундаки, минг-минглаб майда, ўрта, ривожланаётган миллатларнинг маданияти, тили, расм-русумлари катта миллатлар, давлатлар маданиятлари билан рақобатлаша олмай, ўз-ўзидан унинг таъсирига тушиб қолиши ҳам мумкин.

Бу жараёнда замонавий телекоммуникация, компьютер ва интернет воситалари орқали ўзга хорижий ҳудудга хос миллий-маънавий қадриятларни халқимизга сингдириш ва шу йўл билан мамлакатимизда миллий-маънавий ҳукмронликни ўрнатишга уриниш ҳоллари ҳам кузатилмоқда. Энг ачинарлиси, баъзи «демократияпарвар» давлатлар иқтисодий интеграцияни кучайтириш, фан-техника, технология, таълим соҳасида юртимизга ёрдам бериш баҳонасида миллий-маънавий таъсир ўтказишга ҳаракат қилмоқдалар.

Инсон боласининг улуғлиги унинг ўз миллатини англаш ва бундан фахрланиб яшашида намоён бўлади. Миллий туйғу миллат олдида катта масъулият билан яшаш, меҳнат қилиш, фидойи бўлишга ундайди. Бу туйғу эртанги кунга ишончни орттиради. Демак, миллатни англамаган инсон ўзининг кимлигини билмаган манқуртдир. Инсониятни асраш қанчалик буюк ва муқаддас иш бўлса, миллатни асраш ҳам шундан кам эмас.

Миллий ўзига хосликка қарши таъсирнинг авж олиши нафақат вужудга келаётган таҳдидни англаш, балки унинг олдини олиш учун амалий фаолият олиб боришни тақозо этади. Бу борада миллий ғоявий иммунитетни шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги даврда мафкуравий кураш ўта мураккаблашиб, алоҳида давлатлар чегараларидан чиқиб, энг долзарб умуминсоний муаммолардан бирига айланмоқда. Унинг шакллари, усул ва воситалари ўзгариб, такомиллашиб бормоқда. Бундай вазиятда турли таъсир ва таҳдидларга фақат халқ эгаллаган кучли ғоя билан демократик тафаккур асосида ҳушёр ва огоҳ бўлиб, қарши тура олиш мумкин. Бу ўринда ғояга қарши ғоя, фикрга қарши фикр, жаҳолатга қарши маърифат орқали курашиш тамойилига амал қилган ҳолда иш олиб бориш катта аҳамиятга эга.

Миллий ғоявий иммунитетни шакллантиришнинг асосий омилларидан бири миллатнинг манфаат ва мақсадларини ўзида ифода этаётган миллий тараққиёт ғоясини бевосита ҳаётга, инсон қалби ва онгига татбиқ этишдир. Миллий тараққиёт ғояси реал ҳаёт талабларидан узоқ бўлиб, миллатнинг орзу-истакларини акс эттирмаса, ўзида моддий ва маънавий кучни уйғунлаштиролмайди ҳамда қуруқ назария бўлиб қолаверади.

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ бу масала Юртбошимиз эътиборида бўлди. Президент Ислом Каримов томонидан Ўзбекистоннинг тараққиёт концепцияси ҳамда «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» дастури ишлаб чиқилди. Бу яхлит таълимот ҳозирги вақтда халқимиз маънавий ҳаётининг узвий бир қисмига айланиб бормоқда.

2001 йил 18 январда Ўзбекистон Президентининг “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва республика таълим тизимига жорий этиш тўғрисида”ги Фармойиши қабул қилинган эди. 2006 йил 25 августда эса Президентимизнинг “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида» қарори эълон қилинди. Қарорга биноан Республика Маънавият ва маърифат кенгаши ҳузуридаги Миллий мафкура илмий тарғибот маркази ўрнига Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг илмий-амалий йўналишда фаолият олиб борадиган, давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириладиган Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази ташкил этилди. Яъни, Республика «Маънавият ва маърифат» маркази Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг амалий тарғибот йўналишида фаолият олиб борадиган тарғибот марказига айлантирилди.

Таъкидлаш лозимки, миллий тараққиёт ғояси миллатнинг шаклланиши, ривожланиши ва юксалишида муҳим манба бўлиб қолаверади. Халқ ва миллат ҳаётида содир бўладиган туб бурилиш босқичларида унинг таркибий қисми бўлган бунёдкор ғоялар устувор даражага кўтарилиши мумкин. Бугун халқимизнинг мақсад-муддаоларини ўзида ифодалаган ана шу миллий тараққиёт ғояси ва мафкураси озодлигимиз ва эркинлигимизни янада мустаҳкамлаш, иқтисодий жиҳатдан юксалиш, миллий хавфсизликни таъминлаш тизими механизмларини ошириш, миллий урф-одат ва қадриятларни замон талаблари асосида бойитиш, миллат маънавиятига қарши қаратилган таҳдидларга тайёр бўлиш, миллий ўзига хосликни асраш, унинг илдизида юзага келиши мумкин бўлган бузғунчи «ғоялар»га қарши ғоявий иммунитетни шакллантириш, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш каби ўта муҳим вазифаларни ўз ичига олади.

Миллий ғоя ва мафкуранинг асосий вазифаларини амалга ошириш соҳаси ва йўналиши миллий-мафкуравий тарбиядир. Миллий тарбия миллий мерос, урф-одат, анъана ва қадриятлар орқали ёшларда миллий онг, дунёқарашни шакллантириш, ўзликни англаш, халқ ва Ватан олдидаги масъулиятни чуқур ҳис этишни ўргатади, мафкуравий тарбия эса инсон, миллат, жамият дунёқарашини шакллантириб, ғоявий билимларни оширади.

Миллий тарбия оиладан бошланади, маҳалла ва таълим тизимида эса у давом эттирилади. Миллий онги ривожланган, ўзлигини англаган, дунёқараши шаклланган инсон халқи ва Ватанини улуғлайди, эл-юрт олдидаги масъулиятини тушуниб, унинг манфаатини ҳимоя қилади. Иқтисодий муаммоларни бугун бўлмаса, эртага, албатта, ҳал этиш мумкин. Лекин миллий-ғоявий иммунитетимиздан, ўзлигимиздан маҳрум бўлиб қолсак, уни тиклаш осон кечмайди. Шунинг учун ҳам Президентимиз «Мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кўпроқ қудратли кучга эга», деб ҳаммамизни ғоявий хатарлардан огоҳ этган эди.

Миллий ҳаётимизни ташқи таъсирлардан ҳимоялашда миллий ғоя ва мафкура асосий ғояларини, мақсад ва вазифаларини кенг тарғиб этиш, уларни ёшлар қалби ва онгига сингдиришнинг турли анъанавий ҳамда ноанъанавий усулларини ҳаётга татбиқ қилиш, таълим тизимида бу борада яратилаётган дарслик ва ўқув қўлланмаларидан самарали фойдаланиш зарур. Бу борада оммавий ахборот воситаларининг ўрни ўта масъулиятлидир.

Халқаро интеграция дунё миқёсида ахборотлашиб бораётган бугунги кунда миллий ғоявий иммунитетни кучайтирадиган барча имконият ва воситалардан самарали фойдаланиш миллий ғоямизнинг жамиятга ўз таъсирини кучайтиришига хизмат қилади.

**Азамат МУХТОРОВ,**
**фалсафа фанлари номзоди,**
**доцент.**

### Тоғ бағрида сиҳатгоҳ

Сўх тумани — юртимизнинг тоғлар бағридаги сўлим гўша. Вилоят марказидан анча олисда жойлашган. Шу сабабли жиддий тиббий ёрдамга муҳтож бўлиб қолганлар кўпинча Фарғонага, водийдаги бошқа шаҳарларга боришга мажбур бўлишарди.

Энди бундай оворагарчиликка ҳожат қолмади. Истиқлолимизнинг қутлуғ тўйи нишонланаётган кунларда туманда бир йўла учта замонавий қишлоқ врачлик пунктлари фаолият кўрсата бошлади. Энг сўнгги андозадаги даволаш асбоб-ускуналари билан жиҳозланган ҚВПлар хизматидан Сариканда, Ғазна, Демурсад қишлоқлари аҳолиси баҳраманд бўлмоқда.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Газетада босилмади, аммо...**

***Сирдарё вилояти Боёвут шаҳарчасида яшовчи М. Жалолов таҳририятга шикоят хати йўллаб, ўз эҳтиёжи учун акциядорлик тижорат «Пахта банк»идан кредит ололмаётгани ҳақида ёзган эди. Куни кеча мазкур хат юзасидан расмий жавоб олдик. Унда, жумладан, шундай дейилади:***

## КРЕДИТ АЖРАТИЛДИ

«Фуқаро М. Жалоловнинг турмуш ўртоғи Н. Жалолова банкнинг Боёвут филиалига чорвачиликни ривожлантириш учун кредит сўраб мурожаат қилган. Унинг аризаси банк кредит қўмитасида кўриб чиқилиб, кредит ажратишга қарор қилинган ва уни олиш учун ариза берган мижозлар рўйхатига навбатга қўйилган.

Банк ва мижоз ўртасида имзоланган кредит шартномасига кўра, фуқаро Н. Жалоловага жорий йилнинг май ойида банкнинг ўз маблағи ҳисобидан кредит ажратилган.

**С. ИНОҒОМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат «Пахта банк»и бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари».**

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport

*Ғурурли элмиз. Қаддимизни тик тутиб, ўзбек деган номимиз билан фахрланамиз. Айниқса, камолга етаётган ёш авлод қалбида Ватан шарафини жаҳон спорт майдонида муносиб ҳимоялаш, миллат шаънини дунёга ёйиш истаги кучлилиги кишини қувонтиради. Шу маънода, бугун юртимиз спортчилари халқаро миқёсдаги бир қатор нуфузли турнирларда совринли ўринларни қўлга киритишмоқда. Мамлакатимиз мадҳияси янграб, байроғи баланд кўтарилиши учун бор иқтидорларини ишга солишаётир. Улар жаҳон ва қитъа чемпионатларида ҳамиша ғолиблар сафида боришмоқда...*



# «СОВРИНДОР БЎЛИБ ҚАЙТДИК!»

Жорий йилнинг 24-25 август кунлари Япония пойтахти Токио шаҳрида шотакан каратэ-до бўйича ўтказилган VIII жаҳон чемпионатида ҳам спортчиларимиз ўз маҳоратларини намойиш этдилар. Улар юртимизга қўша-қўша медаллар билан қайтишди. Дунёнинг 40 га яқин мамлакати вакиллари қатнашган мазкур йирик спорт анжуманида каратэчиларимиз 4 та олтин ва 4 та бронза медали билан умумжамоа ҳисобида фахрли иккинчи ўринни эгаллашди. Қувонарлиси, бу шотакан каратэ-до бўйича жаҳон чемпионатидаги дастлабки йирик ютуқдир. Шундай қилиб, мусобақада биринчи ўрин Россия, учинчи ўрин эса Венесуэла мамлакатлари вакилларига насиб этди.

Албатта, минг нафарга яқин спортчи қатнашган бу чемпионатда ҳар бир медаль учун кураш қизғин давом этганини англаш қийин эмас. Ғалабага 16-18 ёшли спортчилар ўртасидаги ката баҳсларида олтин медални қўлга киритган Зумрад Тазетдинова, 14-15 ёшли спортчилар орасида кумитэ баҳсларида олтин медаль соҳиби бўлган Абузоид Иминовлар муносиб улуш қўшдилар. Абузоид олтин медалгача бўлган йўлда Туркия, Япония, Қозоғистон, Украина давлатлари спортчиларини мағлуб этган бўлса, Зумрад Финляндия, Мексика, Россия, Венесуэла, Ирландия каратэчиларидан устун келди.

**Фахр**

— Жаҳон чемпионатига бир қанча мураккаб босқичлардан муваффақиятли ўтган спортчигина боради,— дейди З. Тазетдинова. — Шу жиҳатдан олиб қараганда, бирорта рақибимни кучсиз, деб бўлмайди. Айниқса, Россия ва Венесуэла спортчиларига қарши кечган баҳсларда анча тер тўкишимга тўғри келди. Устозларим кўрсатмаларидан тўғри фойдаланганим боис Ватанимга ёруғ юз билан қайтдим.

Қолаверса, Токио татамиларида жамоавий ката бўйича спортчи ўғлонларимиз Рустам Тошназаров, Ринат Кутуев, Саидлазиз Бурҳонов, микс ката (аралаш ката) беллашувларида Ринат Кутуев, Зумрад Тазетдинова, Саидлазиз Бурҳоновлар олтин медалларни қўлга киритдилар. Катталар жамоавий кумитэ баҳсларида Даврон Тошпўлатов, Анвар Рўзиев, Наби Нуриддинов, Санжар Носиров, Ринат Кутуев, Рустам Тошназаров, ўсмирлар жамоавий кумитэ мусобақаларида Азиз Нуриддинов, Сардор Ширинбоев ва Миразиз Искандаров, ўсмирлар ўртасидаги ката мусобақаларида Абузоид Иминов, Феруз Холиёров ва Абдукарим Зайнобиддинов бронза медаллари соҳиблари бўлишди. Яккалик жу кумитэ баҳсларида Даврон Тошпўлатов бронза медалини қўлга киритди.

— Спортчига эътибор унинг қўлга киритажак ғалабаларининг асосидир, — дейди Ўзбекистон Шотакан каратэ-до ассоциацияси президенти Собиржон Абдусатторов. — Ҳукуматимиз томонидан оммавий спортга, хусусан, болалар спортига кўрсатилаётган ғамхўрлик ўз самарасини бермоқда. Ассоциациямиз 2003 йилда ташкил этилганди. Қисқа вақт ичида шотакан каратэ-до билан шуғулланувчилар сони йигирма мингдан ошиб кетди. Бу, албатта, биз эртага фахрланишимиз мумкин бўлган чемпионларимиз сони кўпайишидан далолат.

Терма жамоамизни мусобақага мураббийлар Нурмуҳаммад Иминов ва Хўжамқул Хўжақулов тайёрлади.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардикки, бугун ёшларимиз қўлга киритаётган ғалабалар ўз-ўзидан келгани йўқ. Унинг замирида шу юрт қудрати, Юртбошимизнинг ёшлар келажагини ўйлаб, улар учун яратаётган имкониятлари ва албатта, шундай эътибор натижаси ўлароқ, одамларимиз онгида ҳам спортга нисбатан шаклланган тўғри муносабат ётибди. Йўқса, Зумраду Нодирадек, Гўзалу Юлдузойлардай шижоатли, иродаси мустаҳкам спортчи қизларимиз бизнинг фахру ифтихоримизга айланмаган бўларди...

**З. ЖОНИБЕКОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Т. ҚУРБОНБОЕВ**
**олган сурат.**

## Иродага омад тилаймиз!

*Украинанинг Харьков шаҳрида мукофот жамғармаси 100 минг АҚШ долларига тенг бўлган халқаро теннис турнири бошланди.*

*Мусобақада дунёнинг 19 мамлакатидан келган ракетка усталари иштирок этмоқда. Улар орасида яқинда пойтахтимизда якунланган Осиё чемпионати ғолиби Ирода Тўлаганова юртимиз шарафини ҳимоя қилмоқда.*

## Каканинг маоши қанча?




*Кака ("Милан") Италия чемпионатида энг кўп маош оладиган футболчига айланди.*

*Келиб чиқиши бразилиялик бўлган футболчининг бир ойлик маоши 4 миллион фунт-стерлингни ташкил этади. Шунингдек, Франческо Тотти ("Рома") 3,7 миллион, Златан Ибрагимович, Патрик Вийера, Адриано ("Интер"), Жанлуиджи Буффон ("Ювентус")лар 3,4 миллион фунт-стерлингдан маош олишар экан.*

## Азиз даъвогарлар сафида

*Осиё Футбол конфедерацияси томонидан ҳар йили қитъанинг "Энг яхши футболчиси"ни аниқлаш бўйича сўровнома ўтказиб келинади.*

*Куни кеча ОФК расмий сайти 2007 йилги Осиёнинг "Энг яхши футболчиси" номинациясига номзод дастлабки 33 футболчининг рўйхатини эълон қилди.*

*Эътиборлиси, улар орасида "Қурувчи" ҳамда Ўзбекистон миллий ва Олимпия терма жамоалари аъзоси Азизбек Ҳайдаров ҳам бор. Шунингдек, рўйхатга Фарғонанинг "Нефтчи" жамоаси сардори Акмал Холматов ҳам киритилган.*

**Ж. ЗИЁДУЛЛАЕВ.**

## МИНИ-ФУТБОЛ ҒОЛИБЛАРИ

***Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигининг дипломатик ваколатхоналарга хизмат кўрсатиш бошқармаси ташаббуси билан мамлакатимизда аккредитациядан ўтган дипломатик ваколатхоналар ва халқаро ташкилотлар вакиллари ўртасида турли спорт турнирлари ўтказиш анъанага айланди.***

Яқинда пойтахтимиздаги "Жар" спорт мажмуасида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 16 йиллигига бағишлаб мамлакатимизда аккредитациядан ўтган дипломатик ваколатхоналар ва халқаро ташкилотлар вакиллари ўртасида анъанавий IX мини футбол турнири бўлиб ўтди.

Мусобақалар финалида Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги ва Қозоғистон Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси вакиллари ўзаро беллашдилар. Қизғин курашлар остида ўтган беллашувнинг асосий қисмида ҳисоб очилмади. Пенальтилар сериясида омад ҳамюртларимизга кулиб боқди. Учинчи ўрин учун беллашувда Туркия ва Россиянинг мамлакатимиздаги элчихоналари вакиллари майдонга тушдилар. Унда Туркия жамоаси 2:1 ҳисобида зафар қучди.

**О. ШАМСИЕВ.**







## КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА !

### «ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК
### «ШАҲАРЛАРАРО АЛОҚА КОРХОНАСИ» ФИЛИАЛИ

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудида минглаб километр узунликда металл қобиқли ва замонавий шиша толали магистраль алоқа линиялари ётқизилганини ва ишлаб турганини эслатиб ўтади.**

**Республика телекоммуникация тармоқларини реконструкциялаш ва ривожлантириш миллий дастурига мувофиқ, алоқа тизими жадал ривожланмоқда, замонавий узатиш тизими билан жиҳозланган янги алоқа линиялари қурилмоқда. Алоқа линиялари муҳофазасини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 майдаги 210-сонли қарори билан "Телекоммуникация линиялари ва иншоотларини қўриқлаш қоидалари" қабул қилинган ва тасдиқланган. Барча корхоналар, ташкилотлар, муассасалар раҳбарлари ва жисмоний шахслар томонидан ушбу қоидаларга амал қилиш ва магистраль алоқа кабелларига шикаст етказмасликлари шартлиги кўрсатиб ўтилган.**




Қуйидаги телефонларга мурожаат қилиб, кабель магистраль линиялари ўтган жойлар ҳақида тўлиқ маълумот олишингиз мумкин. Шаҳарлараро алоқа линияларининг шикастланиши алоқа корхоналарига моддий зарар етказади, халқаро, шаҳарлараро алоқалар, ахборотлар узатиш тизимларида тўхташлар юз беришига олиб келади. Эсда тутинг! Алоқа линияларини шикастлантирган корхоналар, ташкилотлар ва жисмоний шахслар алоқа корхоналарига келтирилган моддий зарарни тўлайдилар. Қандайдир ер қазиш ва қурилиш ишларини амалга ошириш зарурияти туғилиб қолган тақдирда, сиз кабель трассасини ўзбошимчалик билан аниқлашга уринманг, буни фақат бизнинг вакилимиз амалга оширади. Кабель участкаси манзили кабель жойлашган трасса белгисида кўрсатилган.

### Магистраль алоқа линияларини эксплуатация қилувчи боғламалар манзиллари ва телефонлари:

| | |
|---|---|
| **"Шаҳарлараро алоқа корхонаси" филиали:** | |
| Тошкент ш., А.Толстой к., 23-уй, ком-р. | 144-61-08, 132-01-26, 144-29-59 |
| ЛКЦ-0 Тошкент ш. | 50-36-79, 380-40-35 |
| КУ-1 Тўйтепа ш. | 21-306, 21-121,186-57-51 |
| КУ-1 ф-л Ангрен | 2-27-61, 186-57-51 |
| ЛТЦ Бекобод | 2-54-11, 316-97-53 |
| **1-Шаҳарлараро магистраль алоқа техник боғламаси манзили:** | |
| Тошкент ш., А.Хўжаев к., 29-уй. | 135-36-59 |
| КУ-1 Тошкент ш., «Буюк Ипак йўли» к., 264-уй. | 65-80-43 |
| КУ-2 Янгийўл ш., Чарикова к., 172-уй. | 168-72-86 |
| КУ-3 Тўйтепа ш. | 168-48-51 |
| **2-ШМАТБ манзили:** Қўқон ш., «Истиқлол» к., 58-уй. | 55-2-24-71 |
| КУ-2 Бешариқ тум. маркази, «Сирдарё» к., 9-уй. | 61-2-23-66 |
| КУ-3 Наманган ш., Нуробод мас. телеминора. | 25-08-82 |
| КУ-4 Андижон ш., Чўлпон к., 9-уй. | 22-23-81 |
| КУ-5 Янгиқўрғон тум. маркази, Чустий к., 1-уй. | 52-9-24-55 |
| **3-ШМАТБ манзили:** Гулистон ш., Дўстлик қўр. | 27-16-20 |
| КУ Сирдарё ш. | 57-28-98, 57-34-36 |
| КУ Жиззах ш. | 77-05-27, 6-22-07 |
| ЛТЦ-2 Янгиер ш. | 72-30-28, 72-30-24 |
| **4-ШМАТБ манзили:** Булунғур ш., «Самарқанд» к., 18-уй. | 33-52-60 |
| **5-ШМАТБ манзили:** Бухоро ш., «Ғиждувон» к., 69-уй. | 223-38-37 |
| **6-ШМАТБ манзили:** Нукус ш., «Ашхобод» к., 1-уй. | 222-37-07, 222-00-43 |
| КУ Тўрткўл ш. | 532-30-60, ички 1-42 |
| КУ Беруний ш. | 524-30-60, ички 1-38 |
| **7-ШМАТБ манзили:** Термиз ш., Гагарин к., 32-уй. | 3-59-07 |
| ЛТЦ-16 Денов ш. . | 7-37-62 |
| **8-ШМАТБ манзили:** Қарши ш., «Ҳуснобод» к., 1-уй. | 221-02-41 |
| ЛТЦ-15 Ғузор ш. | 55-22-1-67 |
| **9-ШМАТБ манзили:** Урганч ш., Дўсов к., 2-уй. | 226-36-58, 226-36-33 |
| **10-ШМАТБ манзили:** Навоий ш., «Кармана» к., 2-«Б» уй. | 224-75-21 |
| КУ-3 Каттақўрғон ш. | 45-5-24-54 |
| КУ-4 Ғиждувон ш. | 57-2-14-75 |

**Кабель магистраль алоқа линиялари муҳофаза зонасига рухсатсиз кириб ишлаш ва уларга шикаст етказувчи ҳар қандай турдаги ишларни бажариш,**

жумладан:
- *рухсатсиз қурилиш ишлари олиб бориш ва иншоотлар тиклаш;*
- *кабель магистраль алоқа линиялари трассалари устидан йўл ва ўтиш жойлари ўтказиш, автомобиль, трактор ва бошқа транспорт воситалари учун тўхташ жойлари қуриш, жамоатчилик боғлари ва томорқалар ташкил этиш;*
- *кабель магистраль алоқа линиялари ўтган жойларни кўрсатувчи огоҳлантириш устунларини ва белгиларини ўзбошимчалик билан кўчириш, синдириш, кўмиб юбориш;*
- *турли хил тоғ, қурилиш-монтаж ва портлатиш ишларини олиб бориш;*
- *кабель магистраль алоқа линиялари муҳофаза зонасидан қудуқлар қазиш, шурф қурилиши ҳамда геологик, геодезия ва бошқа қидирув ишларини олиб бориш;*
- *турли хил чиқиндилар ташлаш, кислота, туз ва ишқор эритмаларини тўкиш;*
- *магистраль линиялари ўтган ерда гулханлар ёқиш ТАҚИҚЛАНАДИ!*

**ҲУШЁР ВА ЭҲТИЁТКОР БЎЛИНГ!**
**АЛОҚА КАБЕЛЛАРИНИНГ ШИКАСТЛАНИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ!**

**ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН**
***"Ўзбектелеком" АК "Шаҳарлараро алоқа корхонаси" филиали***

2898/2225

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист **Дилнура ҚОДИРЖОНОВАнинг** вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

АТ «Ўзсаноатқурилишбанк»и жамоаси Қорақалпоғистон минтақавий филиали бошлиғи Тангатар Тлеубаевич Толеповга акаси **Оразбай ТОЛЕПОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгаши партия Марказий кенгаши аъзоси, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори Абдусалом Умаровга волидаи муҳтарамаси **ЖИБАКХОН аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 856. 24960 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;*
*Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.20 Топширилди — 22.10 23456